

Agroiqtisodiyot

илмий – амалий агроиқтисодий журнал
(Махсус сон)

Мундарижа

- | | | | |
|-----|--|-----|---|
| 4. | USENOV AZAMAT, SUYUNOV SARDOR
Occimum basilicum (rayhon) o'simligidan ekstrakt olish
uchun konvektiv quritishni tahlil qilish | 40. | Ж.Б. САПАЕВ, И.Б. САПАЕВ, Т. СУЛТАНОВ,
Л.С. СУВОНОВА, Б.М. КАМАНОВ, Б.Ж. МУСУРМОНОВ,
М.И. ДЖАЛИЛОВ
Сувнинг лойқалик даражасини аниқловчи
иқтисодий самарадорлиги |
| 7. | М.Б. ХАЛИКОВА, <u>Х. САЙДАЛИЕВ</u> ,
Э.У. МАТИЯҚУБОВА, Н.Қ.РАЖАБОВ
Ингичка толали коллекция намуналари ва f ₁
дуррагайларнинг
тола узунлиги кўрсаткичлари | 43. | Л.С.СУВОНОВА, М.А.МАМАТКОСИМОВ, Б.М.КАМАНОВ
1700°C ҳароратда ишловчи электр иситувчиларни
ишлаб чиқариш |
| 10. | Г.Р. МУРТАЗАЕВА
Ишлаб чиқаришдаги шовқинларнинг инсон
саломатлигига таъсири | 49. | А.А.КАРИМОВ, Б.Ф.ҚОДИРОВ, М.А.МАМАТКОСИМОВ
Заргарлик тошларини тайёрлашда шпинель ва
серпентин минералларини танлашни асослаш |
| 12. | Н.Қ.РАЖАБОВ, Т.А.ҲАЙДАРОВ
Типик бўз тупроклар шароитида “Андижон-37”
ғўза навининг ҳосилдорлигига ўғит ва сугориш
меъёrlарининг таъсири | 56. | Қ.Ў.КОМИЛОВ, А.Д.КУРБАНОВА, С.Л.СУВОНОВА,
А.А.КАРИМОВ, М. ДЖАЛИЛОВ
Кимёвий мелиорантларни сугориш сувини тежашдаги
роли |
| 15. | АТАЖАНОВ А.У
Экономное использование водных ресурсов на
эксплуатируемом
участке орошаемой по бороздам | 58. | Қ.У.КОМИЛОВ, А.Д.КУРБАНОВА, С.Л.СУВОНОВА,
М.ДЖАЛИЛОВ.
Фосфогипсдан ернинг структурасини яхшиловчи
сифатида фойдаланиш |
| 19. | Т.А.ҲАЙДАРОВ, А.А.ХОЖИЕВ, Н.Қ.РАЖАБОВ
Қишлоқ ва сув хўжалигида жароҳатланиш ҳамда
қасбий касалланиш сабаблари ва уни камайтириш
йўллари | 60. | И.А.БЕГМАТОВ, Ш.А.АЙНАКУЛОВ, ЕРГАШОВА Д.Т.,
Моделирование режима капельного орошения
сельскохозяйственных культур |
| 23. | ХОЖИЕВА Ш.А., МУРТАЗАЕВА Г.Р
Сув омборларидан фойдаланишда ва
хавфсизлигини таъминлашда сел оқимлари
трансформациясининг аҳамияти | 65. | БОТАБАЕВА А.Е, МУТАЛИЕВА А.Ш, АЛИЕВА А.К,
ЖАХОНОВА.Н.Ш.
Национальное семейное воспитание, как современный
тренд развития молодежи |
| 27. | ЧОРИЕВ А.Х, ХОДЖИБЕКОВ С.Н, МУХИДДИНОВ Т.И.
Ғўза ўсимликларида бўйи ва бош поядаги бўғимлар
сонининг юқори f ₆₋₇ авлодларидағи қиёсий таҳлили | 69. | Ш.Ч.БОТИРОВ
Сугориш сувини тежаш йўли |
| 30. | ЧОРИЕВ А.Х, ХОДЖИБЕКОВ С.Н.
Ғўза ўсимликларида умумий кўсаклар ва пишган
кўсаклар сонларининг юқори f ₆₋₇ авлодларидағи
қиёсий таҳлилини ўрганиш | 72. | У.З. МАХМУДОВА
Иқлим ўзгариши шароитида Куйи Туямўйин
гидроузели худудидаги экологик муаммолар |
| 32. | Ж.Б. САПАЕВ, И.Б. САПАЕВ, А.М. АРИФЖАНОВ,
Л.С. СУВОНОВА, Б.М. КАМАНОВ, А.Я. БАХРОМОВ,
М.И. ДЖАЛИЛОВ
Тупроқ ва сувнинг шўрланиш даражасини
аниқловчи оптималлаштирилган
кондуктометрнинг иқтисодий самарадорлиги | 76. | Ж.А.ҚОСИМОВ
Чизмачилик фанини ўқитишида муаммоли вазият
яратиш орқали дарс самарадорлигини ошириш |
| 35. | J.B. SAPAEV, I.B. SAPAEV, A.A. KARIMOV, L.S.
SUVONOVA, B.M. KAMANOV, G.SH. XOLIQULOVA, A.Y.
EGAMBERDIEVA
Xonadagi namlik va haroratni aniqlovchi
optimallashtirilgan termogigrometr | 80. | Ж.А.КОСИМОВ
Организация моделирования виртуальных образцов
разработок и технологий в 3d формате |
| | | 85. | КОДИРОВ О, ЖАХОНОВ А, МАТКАРИМОВ О,
МУТАЛИБОВ М
Техническое состояния сооружений канала |
| | | 93. | DILAROM F. KUCHKAROVA, BAFO U. KHAITOV,
DILNOZA A. ACHILOVA,
Geometric modeling of the surface of the avancamera of
pumping stations according to the present conditions |

СУГОРИШ СУВИНИ ТЕЖАШ ЙЎЛИ

Ш.Ч.Ботиров, қ.х.ф.н., доцент, Ирригация ва мелиорация каф. (ТИҚҲММИ).

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикасида фойдаланиладиган сув ресурсларининг 80 фоиздан ортиги Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидағи қорлар ва музликлар ҳисобига шакланади.

Хозирги иқлим ўзгаришида бу музликлар миқдори камаймоқда, мизликлар камайшиши ҳисобига Ўзбекистон Республикасига келаётган сувлар миқдори ҳам камайшиши күтимоқда.

Демак Республикамизда сугориш сувини иқтисод қилиши ўйларини жорий қилиши муҳим вазифа экан.

АННОТАЦИЯ

Более 80% водных ресурсов, используемых в Республике Узбекистан, формируются за счет снега и ледников в горах Кыргызстана и Таджикистана.

В связи с текущим изменением климата количество этих ледников уменьшается, и ожидается, что количество воды, поступающей в Республику Узбекистан, уменьшится из-за сокращения ледников.

Следовательно, внедрение способов экономии поливной воды в стране является важной задачей.

ABSTRACT

More than 80% of the water resources used in the Republic of Uzbekistan are formed due to snow and glaciers in the mountains of Kyrgyzstan and Tajikistan.

Due to the current climate change, the amount of glaciers is decreasing, and the amount of water flowing into the Republic of Uzbekistan is expected to decrease due to the reduction of glaciers.

So, the introduction of ways to save irrigation water in the country is an important task.

Калит сўзлар. сугориш, суғорма деҳқончилик, сугориш меъёри, заҳоб сувлари, вегетация даври, капилляр таъминот, зовур.

Дунё давлатларида кейинги вақтларда озиқ овқат махсулотларига талаб ошиши билан суғорма деҳқончилик ҳам кенгайиб бормоқда. Суғорма деҳқончиликнинг асоси бу сугориш сувидир, 50 км³ дан кўпроқ сув ишлатувчи Ўзбекистон Республикасига қаердан келиши ва қандай ҳосил бўлиши бўйича айrim олимларнинг маълумотларини таҳлил қилиб чиқсан.

Т.З.Султанов, М.Х.Ибрагимов, Ш.Н.Суюновлар ўзларининг қуийдаги фикрларини билдиришган. Ўзбекистон Республикасида фойдаланиладиган сув ресурсларининг 80 фоиздан ортиги Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидағи қорлар ва музликлар ҳисобига шакланади.

Глобал иқлим ўзгариши сабабли Тожикистонда мавжуд бўлган 8 мингдан ортиқ музликлар майдонининг 30 фоизи, Қирғизистондаги 10 мингга яқин музликлар майдонинг 16 фоизи эриб кетган. 2030 йилга бориб музликларнинг яна 15–20 фоизи йўқолиб кетиши башпорат қилмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2015 йилда Ўзбекистон бўйича умумий сув танқислиги 3 км³ ни ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб 7 км³, 2050 йилга қадар эса 11–13 км³ га кўтарилиши мумкин экан [1].

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2020 йил 16 сентябрь куни сув хўжалигига тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида қуидагиларни айтиб ўтди.

«Минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан йилга мураккаблашиб бормоқда. Охирги 10 йилда, мисол учун, Ўзбекистонда сув ҳажми 12 фоизга, ўтган йилгига нисбатан эса бу йил 15 фоизга камайган.

Пахта ва ғалла етиштириш учун сарфланайтган электр энергияси ҳамда сувни етказиб бериш харажатлари ҳам кўп. Хусусан, 2,5 миллион гектар майдонни сугориш учун 5 мингдан зиёд насос ишлатилиб, йилига 8 миллиард киловатт соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари сарфланмоқда. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртacha 800 минг сўм харажат қилингани. Эгатлаб сугориш оқибатида йилига қарийб 5–6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланмоқда[2].

Демак бу маълумотлардан кўриш мумкинки сугориш сувини тежаб тергаб ва ер устидан сарфланадиган сугориш меъёри миқдорини камайтириш ўйларини кўришимиз лозим экан.

Шу сабабли ушбу мақоламизда субирригация сугориш усулини кўриб чиқамиз. Субирригация сугориш усули бўйича қайси олимлар иш олиб боришган ва бу усулини ҳақида олимларимизнинг фикри қандай эканлигини кўриб чиқамиз.

Қ.М.Мирзажонов, Н.Э.Малабоев, Д.Д.Умаровларнинг таъкидлашларича Ўзбекистоннинг Орол бўйида жойлашган Қорақалпоқистон Республикаси, Хоразм вилояти, Туркманистоннинг Тошовуз вилоятлари ерларнинг мелиоратив ҳолатига заҳоб сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси жиддий таъсирни кўрсатади Орол бўйи заҳоб сувлари сатҳининг тартиби ирригация хўжалик ишлари турига боғлиқ бўлиб, яхоб суви берилганда, вегетация даври давомида у кўтарила боради, сугориш тухталиши билан аста секин туша бошлияди [3].

Қ.М.Мирзажонов, Н.Ўрзаметов, А.Абдукаримов, О.Турдиалиев, Л.Степанова, С.Зокироваларнинг таъкидлашларича Фарғона водийсининг ҳар хил қатламли ўтлоқи соз тупроқларида намликтин юқорига кўтарилиши учун экинларни сугориша 1–1,5 ой олдин зовурларни ёпиш лозим. Ёпиш

натижасида пахта ҳосили юқори бўлишидан ташқари ғўзаларни сугориш 1-1,5 мартага камайди, ҳар бир гектаридан 800-1400 м³/га сугориш суви тежалади [4].

Қ.Мирзажонов, С.Исаев, Э.Очиловларнинг эътироф этишича, сизот сувлари яқин, минерализация кучли бўлмаган ерларда зовурлари жиловлагандада: а) дарё суви тежалади, экин ҳосили қўпаяди, атроф муҳит тоза сақланади, чунки экинлар касаллиги, заарли ҳашоратларга ва бегона ўтларга қарши ишлатилган ҳимикатлар ва агрохимикатлар (азот, фосфор, калий ва бошқа микро ва макроэлементлар) қолдиқлари жойида қолади, оқова сувлар билан сув ҳавзаларига тушмайди. Экинларни сугориш сонининг камайиши ўсимликлар орасида ишлашни камайтиради, одам ва трактор кучи, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари тежалади [5].

Б.У.Суванов Хоразм вилоятининг гидроморф тупроқлари шароитида “Хоразм-127” ғўза навини ЧДНСга нисбатан 70-80-60% да ёки 0-3-0 тартибда сугоришни самарали ҳисоблайди, чунки бу сугориш тартибида ушбу навдан назоратга нисбатан 6,3 ц/га қўшимча пахта ҳосили этиштирилган [6].

С.Х.Исаев ва Б.Сувоновларнинг Хоразм вилояти Шовот туманида 2005 йилда олиб борилган изланишларида аниқланишича, сугориш олди тупроқ намлиги ЧНСга нисбатан 70-80-60% тартибда сақланганда, сугориш 0-3-0 тизим бўйича ўтказилганда, мавсумий меъёр 2122,1 м³/га, солиштирма сув сарфи 49,8 м³/га сув сарфланган бўлганда энг мақбул бўлиб, бунда пахта ҳосилдорлиги 42,8 ц/га ни ташкил қилган [7].

З.Кодировнинг эътироф этишича Бухоро воҳасининг қадимдан сугорилиб келинаётган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида субирригация сугориш усулида тупроқнинг сугориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-65 % бўлганда, сув бериш схемаси 1-3-0, униб-чиқиши гуллаш фазасида сугориш меъёри 984 м³/га, гуллаш қўсак тугуш фазасида сугориш меъёрлари 686-734 м³/га, мавсумий сугориш меъёри -3120 м³/га билан сугоришни тавсия қилган [8].

Ҳамидов М.Х., Ҳамидов М.Х., Исаев С.Х., Абдумўминов Б.А., Ҳусанбоева Х.С., ларнинг олиб борган тадқиқот ишларида ғўзани субирригация усули билан сугорилганда, сугориш сони 1,0-1,5 маротабага камайганлиги, дарё суви 987-1880 м³/га тажалгани, ғўза қатор орасига ишлов бериш бир мартага қисқариши, ёқилғи мойлаш материаллари иқтисод қилиниши, пахта ҳосилдорлиги назоратга нисбатан гектарига 1,5-7,0 ц/га қўшимча ҳосил олиш, атроф-муҳит агрохимикатлар орқали ифлосланишининг олди олиниши мумкинлигини аниқлашган [9].

Юқоридаги маълумотлардан шуни холоса қилишимиз мумкинки сув танқис вақтда ва ер устидан берилаётган сугориш сувини иқтисод қилишда субирригациянинг роли катта экан.

Субирригация сугориш усулини амалга ошириш чора тадбирлари.

Бу усул сизот сувлар сатҳини маълум сатҳда ушлаб туриш ва тупроқнинг ҳайдов қатламини капилляр таъминот ҳисобига намлантиришга асослангандир (1-расм).



1-расм. Бирламчи зовур охиридаги сув тўсувчи иншоот.

Сизот сувлар сатҳини ни сунъий қўтариш усуллари:


- сугориш тармоқлари, зовурлар ва ташламаларни димлаш;
- қўп сув ўтказувчан тармоқлар орқали сугориш сувини бериш;
- 0,5-0,6 м чукурликда ўрнатилган намлатгичлар орқали сув бериш;
- табиий сизот сувлари оқимини бошқариш;
- сув ўтказмайдиган қатламни тешиб, босимли сизот сувларининг йўлини очиш.

Бу усул узун илдизли, намсевар экинларни сугоришида тавсия этилади. Бунинг учун сугориш майдони нишабсиз, тупроғи бир таркибли, шўрланмаган, яхши капилляр хусусиятларига эга бўлиши, сизот сувлари чучук ва ер сатҳига яқин жойлашган бўлиши керак.

Бу усул остки тупроқ қатлами яхши сув ўтказувчан, тупроқ намини икки томонлама бошқарувчи сугориш-зах қочириш тизимларида тизимни димлаш орқали ҳам амалга ошириш яхши йўлга қўйилган. Сув кичик мувакқат ёки доимий (чукурлиги 1-1,5 м) сугориш тармоқларига берилади. Доимий чукур сугориш тармоғи ёки қувурли намлатгичлар ёрдамида биратўласига, ҳам сугориш, ҳам ортиқча сувларни қочириш ишлари бажарилади (2, 3-расм) [10].


Сизот сувлари сатхини бошқариш схемаси

2-расм. Субирригация сугорища тупроқнинг намланиш тақсимоти.



КУН-капилляр узилиш намлиги;
ЧНС-чегаравий нам сигими;
ТНС-тўла нам сигим.

3-расм. Сугориш тармоғи ва қувур намлатгич-лар ёрдамида сизот сувлар сатхини кўтариш:



1- сугориш тармоғи;
2,3,4 - сизот сувлар сатҳи;
5 - қувур намлатгич.

Агар сугориш майдонида сизот сувлари минераллашган ва уларнинг оқими ёмон бўлса, бу ҳолда сизот сувлар сатхини кўтариб сугориш қувур-намлатгичлар ёрдамида ер устидан шўр ювиш ишлари билан биргаликда олиб борилади.

Бунда минераллашган сизот сувлари устида чучук сув қатлами ҳосил бўлади, бу қатлам илдиз қатламдаги шўр тупроқларни чучуклаштириб, тупроқ шўрланишининг олдини олади.

Республикамизда субирригация фақат дренаж тармоғи курилган гидроморф ва ярим гидроморф тупроқлардагина кўллаш мумкин. Очиқ зовурларда тўғон солиши, ёпиқ дренажда гидрантларни беркитиш, шунингдек, уларни сугориш суви билан тўлдириб грунт сувлари сатхини кўтарилади. Масалан Хоразм воҳасида май ойининг ўрталарида, яъни экиннинг дастлабки ривожланиш фазасида - сугориш эгатларини олиш қийин бўлган даврда, Фарғона водийсида сугориш тармоқларининг қуий қисмида жойлашган ҳудудларда август ойининг охирида сув танқислиги кучайган даврда ер устидан сугоришлар сонини камайтириш мақсадида кўлланилади.

Бу мақоламиздан қуидаги хулоса келсак бўлар экан озиқ овқат махсулотларига талаб ошиши билан уларга сарфланадиган сугориш сувининг миқдорига ҳам талаб ошар экан лекин сугориш сувининг чекланганлигини инобатга олиб уни иқтисод қилиш йўлларини кўришимиз шарт экан.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Султанов Т.З., Ибрагимов М.Х., Суюновлар Ш.Н., Сув хўжалиги тизими жадал ривожланмоқда// Irrigatsiya va melioratsiya журнали. – Тошкент, 2019. – № 3(17). – 75 б.
- 2.Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 16 сентябрь куни сув хўжалигида тежамкор технологияларни жорий этишин ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи.
- 3.Мирзажонов Қ.М., Малабоев Н.Э., Умаров Д.Д. Орол бўйи ерларининг мелиоратив ҳолати // Ёзани этиштиришнинг ҳозирги замон технологияси» китобида. Тошкент, 1993. – Б. 17-21.
- 4.Мирзажонов Қ.М., Ўразметов Н.У. ва бошқалар. Пахтачиликда сизоб сувларидан фойдаланиш самарадорлиги // «Пахтачилик ва дехқончилик» журнали №2. Тошкент, 1997. –Б.110-112.
- 5.Мирзажонов Қ. Б., Исаев С.Х., Очилов Э. Экинларни тупроқ остидан сугоришнинг моҳияти // «Пахтачилик ва дехқончиликни ривожлантириш муаммолари». Тошкент, 2004 йил. –Б.66-67.
- 6.Суванов Б.У Амударё қуий оқимида гидроморф тупроқлар шароитида ёзани сугориш тартибининг ҳосилдорликка таъсири. // Фермер хўжаликларида пахтачилик ва галлачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари тўплами, УЗПИТИ. – Тошкент, 2006. –Б.271-273.
- 7.Исаев С.Х., Сувонов Б. Ёзани сугоришнинг тежамкор мақбул тартиблари ва унинг ялпи сув истеъмолини ўрганиш //Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари таъсири. 2.Т. –Тошкент, 2007. – Б. 31-33.
- 8.Қодиров З. Ёзани тежамкор субирригация усулида сугориш // “Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги XIII анъанавий илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. ТИМИ. –Тошкент, 2014 йил. –Б.69-70.
- 9.Хамидов М.Х., Исаев С.Х., Абдумўминов Б.А., Хусанбоева Х.С., “Гидроморф тупроқлар шароитида ёзани субирригация усулида сугоришнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири”. «Иrrигация ва мелиорация» журнали №2. Тошкент, 2015 й.
10. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б., Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси» -Тошкент: «Шарқ» 2008. -408 б.

Agroiqtisodiyot

Журнал Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2017 йил 28 декабрдаги 247/6-сонли қарори билан иқтисодиёт фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Уч ойда бир марта чиқади. Баҳоси келишилган нархда.
“AGROIQTISODIYOT” журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Таҳририят фикри муаллифларнинг фикр ва қарашларига мос келмаслиги мумкин.
Мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлигига муаллиф шахсан масъул.
Реклама мазмунига реклама берувчи жавобгар.

Таҳририят:
Муҳаррир – Ш.Салом
Мусаҳҳиҳ – Янгибоев Д.
Дизайнер-саҳифаловчи – Файзуллаев О.И.

Тел.: (+0372) 2605230.
Факс: (+0372) 2605230.
E-mail: qxiiti-agroiqtisodiyot@qsxv.uz

Бичими 60x84 1/8 (4 б.т.). Адади 300. Чоп этишга 10.12.2020
йилда рухсат этилди. 2/04-сонли буюртма.

“BOOK MEDIA PLUS” хусусий корхонасида тайёрланди.
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6 уй.

Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Қиброй тумани,
Университет кўчаси, 2 уй. Қишлоқ хўжалиги
иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти

Ушбу журналда эълон қилинган мақолалар билан Қишлоқ
хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтинингвеб
сайти www.qxiiti@qsxv.uz танишишингиз мумкин.